



Кўм-кўк майсалар, яхши сабзалар билан ўралган кенг, гўзал бир кирнинг устида бир айгир от ёлғиз ўзи ўтлаб юрар эди. Янги чиккан ям-яшил, кўм-кўк ўтларнинг энг яхшисини толалаб-толалаб ер эди. Еб, корни тўйгандан сўнг у ёк-бу ёкка ўйноклаб, кишнаб юрар эди. Хеч кимни ёнига йўлатмас эди. Ёлларини йилтиллашиб юриб, чарчагандан кейин, даланинг хар хил хуш исли чечаклар очган текис ерларига бориб аганар эди.

Бир замон бу ерга бир хўкиз келиб колди. Даланинг рохат-гўзаллигини кўргач, шу ерда колмокчи бўлди. «Дала — кенг, текис, ўтлар калин, сувлар тиник, худди тоғларнинг тепасидаги яйловларга ўхшайди, ўти менга хам етар, отга хам етар», деб ўйлади. От буни кўриб аччиги келди. Кувлаб юбормокчи бўлиб келган эди, хўкиз сузиб, якин келтирмади. Шундан сўнг отга жуда алам килиб, одамнинг ёнига келиб: «Ўрток, шу хўкизни кирдан кувлаб юборишга кўмак килсанг-чи», — деди. «Тузук, сенинг бу илтимосингни кабул килиб, хўкизни кувиб юбораман, аммо тез кувлаш учун сенинг оркангга эгар, огзингга юган солиб, устингга отланишим керак бўлади. Шунга кўнасанми?» — деди.

От бу шартга унади. Одам эгарлаб ва юганлаб, отни миниб олиб, кирга чикди. Хўкиз буни кўргандан кейин кирдан кочиб кетди. Хўкиздан кутулгач, от кишига: «Кани, ўрток, устимдан туш, эгар-юганингни ол, хўкизни хайдаганингга рахмат!» — деди. Киши отдан тушди, лекин отнинг огзидан юганни олмади. Бунинг устига оёқларига хам кишан солди. Шу кундан бошлаб бир ерга бормокчи бўлса, дарров отнинг устига эгар солиб, миниб борадиган бўлди. От эса одамга кул бўлиб колди.